

26-MAY

2023



Toshkent tibbiyot
akademiyasi



Toshkent davlat
stomatologiya instituti

TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA IJTIMOIY FANLARNI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi

Google Scholar indexed



Toshkent tibbiyot akademiyasi

www.tma.uz

Toshkent davlat stomatologiya
instituti

www.tsdi.uz

“Tibbiyot oliy ta'lif muassasalarida Ijtimoiy fanlarni o'qitishning dolzARB muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari 2023-yil 26-mayda Anjumanda Rostov davlat tibbiyot universiteti, X.A.Yassaviy nomidagi Xalqaro qozoq-turk universiteti, O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Tarix instituti, O'zbekiston Milliy universiteti va boshqa xalqaro hamda respublikaning nufuzli oliy ta'lif muassasalari hamkorligida tashkil etilgan konferensiya asosida tayyorlangan bo'lib, ushbu to'plam tibbiyot oliy ta'lif muassasalarida Ijtimoiy fanlarni o'qitishdani muammolariga bag'ishlgan.

Keltirilgan dalillar, iqtiboslar va statistik ma'lumotlarning haqqoniyligi uchun maulliflar mas'uldirlar.

Toshkent - 2023

ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ДЕМОКРАТИЯ

Нодирахон Хуснутдиновна Абдурахманова

Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Борлиқдаги барча нарсалар ўз тартиблари ва қонунларига эга. Ш.Л.Монтескьенинг фикрига кўра, инсон илоҳий қонунларга ва ўзи яратган қонунларга мувофиқ яшайди, биринчиси барқарор, ўзгармас, иккинчиси эса бекарор, ўзгарувчан [1]. Одам тез унутувчи мавжудот, шунинг учун Яратган илоҳий тартиблар, қонунлар борлигини, файласуфлар ва қонуншуносалар эса унинг эсига фуқаролик бурчи, ижтимоий вазифалари борлигини эсига солиб туради [1]. Одам яратадиган тартиблар, қонунларга мувофиқ жамиятда қандай бошқариш демократиями, аристократиями ёки монархиями мавжудлигини билса бўлади. Монтескье фикрига кўра, аристокартик ёки монархистик бошқаришда ҳукмдор ўзини қонунлар, тартиблардан юқори қўяди, демократик бошқаришда эса барча, шу жумладан, ҳукмдор, давлат бошлиғи ҳам, уларга бўйсунади. Бундан ташқари, демократик бошқаришда эзгулик, эзгу амаллар ҳам устуворлик қиласди, барча институтлар, қисмлар бир бирларидан эзгу ишларни амалга оширишда ўзишга ҳаракат қиласидар. Агар хуқуқий маданият қонунлар, тартиблар устуворлигини эътироф этишга, улар орқали эзгуликни қарор топтиришга хизмат қилса, демак, у демократик бошқариш механизмидир. Мазкур пастулат хуқуқий маданият ва демократия тўғрисидаги замонавий қарашлардан келиб чиқади; уларга бир бирига диалектик боғлиқ воқелик сифатида уйғун қараш шаклланган. Шунинг учун хуқуқий маданият билан демократия бир бирини тақозо этади, хуқуқий маданият демократияга хизмат қилганидек, иккинчиси ҳам биринчисига хизмат қиласди; улар диалектик уйғунликда ривожланиш хусусиятига эга. Мазкур пастулатни деярли барча фалсафий ёндашувлар ва концепциялар, улар ўртасида маълум бир ғоявий фарқлар ва гносеологик мақсадлар бўлишига қарамай, тасдиқлайди. Улар ҳақида зарур қарашларга эга бўлиш муаммонинг қанчалик илмий муҳимлигини ва объект доирасининг қанчалик кенглигини кўрсатади. Бундан ташқари, хуқуқий маданият муаммоларига бағищланган адабиётларда унинг демократия билан боғлиқ жиҳатлари негадир тилга олинмайди, улар ўртасидаги диалектик боғлиқлик фалсафий таҳлил қилинмайди. Бу эса хуқуқий маданиятни фалсафий тадқиқ этиш ҳали етарли амалга оширилмаганини билдиради.

Хуқуқий

маданият ва демократия уйғунлиги мавзусини тадқик этганда, бизнинг фикримизча, ҳуқук феноменига урғу бериш матиқан түғри бўлади. Демократияга оид фалсафий ёндашувлар ва концепциялардаги ҳуқуқнинг ўрни, инсон эрки, озодлик, меҳнат ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш, давлат ишларини олиб боришда иштироки ҳуқуқи, хурфикрлик, ижод эркинлиги кабиларга эътибор қаратилади. Айнан улар ҳуқуқ фалсафасининг предмети ҳисобланади ва бизни ижтимоий-сиёсий таълимотлар томонга оғиб кетишдан асрайди. Бизга демократик ёндашувлар ва концепциялардаги ижтимоий-сиёсий воқеликлар эмас, улардаги инсон ҳуқуқи ва эркинликларига оид қарашлар зарур. Улар негизидаги фалсафий моҳият, инсоннинг давлат билан алоқалари, бошқариш тизими билан инсон эрки масалалари тадқиқотимиз мақсадига мувофиқдир. Мавжуд илмий сиёсий ва фалсафий адабиётларни ўрганишдан келиб чиқиб демократияга оид ёндашувлар ва концепцияларни қуидагиларга гурухлашимиз мумкин:

1. Афина демократияси.
2. Мумтоз либерал демократия.
3. Замонавий либерал демократия ёки неолиберализм концепцияси.
4. Элитаризм ёки элитар демократия.
5. Сиёсий плюрализм концепцияси.
6. Конституционализм концепцияси.
7. Полиархия концепцияси.
8. Вакиллик демократияси.
9. Иқтисодий демократия.
10. Ҳуқуқий демократизм.

Синфий муносабатлар ва мулкий дифференциациянинг вужудга келиши билан боғлиқ тарзда шаклланган ҳуқуқ бугун умумижтимоий характерга эга, жамият аъзоларининг барчасига баб -баровар тааллуқли, цивилизацийий воқелик, тартиб, интизом, ташкиллаштирилганлик ва регуляция воситасидир [3]. Умуммажбурий нормативлик ҳуқуқ феноменининг бош белгиларидан биридир. “Маданият” эса умуммажбурийликни нормативликни воқелик бўлишни ёқтирамайди, унга эркин ижод қилиш, ранг-баранг қадриятларга эргашиш, ностандарт фикрлаш, мавжуд тартиблар ва унификацион ёндашишлардан қочиш, ўзиш хос. Шу маънода у ҳуқуқни, ундаги умуммажбурийликни, стандарт фикрлаш ва хатти-харакатларни тартиблаштиришни, унификацион ёндашувларни ёқтиравермайди. Лекин маданият ҳуқуқнинг

антиноди эмас, у ўзининг гуманистик мақсади ва идеаллари билан хуқуқقا таъсир этади, ҳатто уни ўз кетидан эргаштиради. Хуқуқ мажбурийлиги билан кишини ўзидан бегоналаштириш кучига, таъсирига эга, маданият, ахлоқ эса кишини ҳар қандай қўринишда ўзига жалб эта олади, чунки унда эрк, ижод, яратиш завқи ва маънавий-ахлоқий қадриятлар яратиш қуввати мужассамдир [4]. Ушбу қувват кишиларнинг ўзини, ўз қалби ва руҳига жо бўлган кучни, илоҳий қувватни узоқ асрлар давомида идрок этиш, англаш жараёнларида шаклланган. Уларни хуқуқ, умуммажбурий тартиблар шакллантирган, балки улар хуқуқка қарши феноменлар тарзида юзага келган. Хуқуқнинг чегараловчи, тартиблаштирувчи кучи, ижтимоий-фалсафий ва экзистенциал маънода, маданиятга зиддир. Моҳияттан бир-бирига зид экзистенцияларнинг уйғунлашиб, янги, жамият тараққиёти учун зарур воқеликка (хуқуқий маданиятига) айланиши пародоксал ҳодисадир. Ушбу ҳодисани биз, кишилик жамияти ижобий нарса сифатида қабул қилмоқдамиз. Буни давлатчилик, этатизм тарафдорлари ҳам, анархист, нигилистлар ҳам эътироф этишади. Шунинг учун ҳам тафаккур тарихида хуқуқни ҳам, маданиятни ҳам мутлақлаштирувчи ёки уларни мутлақ инкор қилувчи ёндашувлар учрамайди. Хуқуқни эътироф этган ундаги маданийликни ҳам эътирооф этишга мажбур, маданиятни тан олган эса унда соционормативликни ёки хуқуқни ҳам тан олади. Маданиятдаги ижод эркинлигини хуқуқ феномени таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди, қаерда хуқуқ мавжуд экан, у ерда маданий бойлик ҳам мавжуддир. Дефинитив ёндашувдаги ушбу диалектик боғлиқликни рад этиш аввало шахснинг ўзи учун заарлидир, яхшиси улардан уйғунликни, хуқуқни позитив воқеликка (позитив хуқуққа) айлантириш имкониятларини излаш керак. Хуқуқий маданиятнинг дефинитив хусусиятларини тўлароқ билиш учун унинг турли илмий- назарий фанлардаги талқинларини ҳам кўздан кечиришга тўғри келади.

REFERENCES

- Монтескье Ш.Л. О духе законов. – Москва, АСТ, 2022. – С. 9-10.
- Нерсесянц В.С. Философия права. – Москва, ИНФРА, 1999. – С.7. Тўйчиев Б. Хуқуқ фалсафаси. – Тошкент, Университет, 2001. 21 -23 б.
- Соловьев В.В. Право и нравственность. – Москва, АСТ, 2002. – С.78-81

CONTENTS

MUNDARIJA

- 27.** Turdimurodov, B. Q. (2023). NOAN'ANAVIY TAQDIMOTLAR YARATISH. ELEKTRON DARSLIKLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI VA AFZALLIKLARI. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 135-138.
- 28.** Abduraxmanov, S. (2023). MENEJMENT FANINING YUTUG' VA KAMCHILIKLARI. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 139-142.
- 29.** Бердиева, Н. А. (2023). СПЕЦИФИКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННОКОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ЗАНЯТИЯХ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 143-148.
- 30.** Бобоева, З. Н. (2023). ИЖТИМОЙ ҲАЁТДА ВА ТАЪЛИМДА ТИББИЙ ЭКОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 149-152.
- 31.** Ермакаматов, У., & Сайдикаримова, К. (2023). РОЛЬ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК В ВЫСШЕМ МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 153-155.
- 32.** Мадиярова, Ф. У. (2023). ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ УПРАВЛЕНИЯ И ДОСТИЖЕНИЕ ПОСТАВЛЕННЫХ ЦЕЛЕЙ В ИЗУЧЕНИИ ПРЕДМЕТА МЕНЕДЖМЕНТ. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 156-158.
- 33.** Аскарова, Н. А. (2023). РОЛЬ ГУМАНИТАРНЫХ ДИСЦИПЛИН В ГУМАНИЗАЦИИ МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 159-164.
- 34.** Сахновская, Е. Г., & Чемезов, С. А. (2023). АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ КРЕАТИВНОСТИ У СТУДЕНТОВ С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ (НА ПРИМЕРЕ ТЕРМЕЗСКОГО ФИЛИАЛА ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ). *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 165-169.
- 35.** Эрназаров, Д. З. (2023). ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙФУНЛИГИ. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 170-174.
- 36.** Berdiyeva, X. X., & Shokirova, F. J. (2023). TIBBIYOT OLIYGOHI TALABALARIGA IJTIMOIY FANLAR O'QITILISHI MUHIMLILIGI. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 175-178.
- 37.** Choriyev, N. X. (2023). YANGI O'ZBEKISTONDA YOSHLARGA G'AMHO'RLIK VA E'TIBORNING ISTIQBOLI. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 179-183.
- 38.** Bozorov, S. I. (2023). NMDA RETSEPTORINING SOG'LOM VA ALKOGOL ISTE'MOL QILUVCHI INSONLAR XOTIRASIGA TA'SIRI BIOETIKA MISOLIDA. *Current problems of teaching social sciences in higher medical educational institutions*, 4(1), 184-185.